

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Т.03.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОЛМАНОВ ЎТКИР УКТАМ ЎҒЛИ**

**ПЕЧЛАРДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ**

**05.01.08 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш  
ва бошқариш (техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

<b>Холманов Ўткир Уктам ўғли</b> Печларда интеллектуал бошқариш тизими.....	3
<b>Холманов Уткир Уктам угли</b> Интеллектуальная система управления в печах.....	21
<b>Kholmanov Utkir Uktam ugli</b> Intelligent control system in ovens.....	39
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	42

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.03.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОЛМАНОВ ЎТКИР УКТАМ ЎҒЛИ**

**ПЕЧЛАРДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ**

**05.01.08 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш  
ва бошқариш (техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/T711 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdtu.uz](http://www.tdtu.uz)) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Юсупбеков Надирбек Рустамбекович**  
техника фанлари доктори, профессор, академик

**Расмий оппонентлар:**

**Марахимов Авазжон Рахимович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Абдурахмонов Олим Рустамович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Навий давлат кончилик институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.03.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «9» 12 соат 12<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (+99871) 246-46-00; факс: (+99871) 227-10-32; e-mail: [tstu\\_info@edu.uz](mailto:tstu_info@edu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (178 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (+99871) 246-03-41).

Диссертация автореферати 2020 йил «27» 11 куни тарқатилди.  
(2020 йил «19» 11 даги 29 - рақамли реестр баённомаси).



**Ф.Т.Адылов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раис ўринбосари,  
техника фанлари доктори, профессор

**У.Ф.Мамиров**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Х.З.Игамбердиев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,  
техника фанлари доктори, профессор, академик

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда печларда ёқилғи ёқиш жараёнини бошқаришнинг технологик мажмуа ёки қурилманинг ўртача сменали унумдорлиги билан тартибга солинган энергия ресурслари ва сарфланаётган хомашёнинг берилиши ўртасидаги оқилона уйғунлигини автоматик тутиб туриш ҳамда тайёр маҳсулотнинг талаб этилган сифатини таъминлаш билан белгиланадиган самарадорлиги ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларига аҳамиятли даражада таъсир кўрсатмоқда. Бу борада, саноатни автоматлаштириш, жумладан, шишасозлик саноати тайёр маҳсулотлари юқори сифатини таъминлаган ҳолда газ ёқувчи печларда ёқилғини минимал ресурс ва энергия сарфи билан ёқишни энергия ва ресурс сиғимли технологик усуллари бошқаришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Жаҳонда шишасозлик саноатининг технологик жараёнларини автоматлаштирилган бошқариш тизимларини бугунги кунгача мавжуд техник, алгоритмик, математик ва ахборот таъминотларининг ривожланиш даражаси реал вақт масштабида барча асосий ва ўлчаш мумкин бўлган технологик параметрларни ҳисобга оладиган мураккаб технологик жараёнларни бошқаришни юқори самарали тизимларини амалга ошириш учун чекланган имкониятларни намоён этади. Бу борада, шиша эритиш печларидаги ёқилғини ёқиш жараёнларини бошқариш усуллари ва алгоритмларини такомиллаштириш ҳамда ғалаёнларни ифодалашни қийинлиги, тадқиқ этилаётган ёқилғини ёқиш технологик жараёнларини бориши ҳақидаги бошланғич ахборотларни тўлиқмаслиги ва ноаниқлигини эътиборга олган ҳолда шиша эритиш печларида ёқилғини ёқиш жараёнини бошқаришнинг интеллектуаллаштирилган тизимларини қуришни истиқболли тамойиллари ҳисобига шиша эритиш печларининг ҳалокатсизлиги ва техник-иқтисодий кўрсаткичларини ошириш бугунги куннинг долзарб ва муҳим масаласи ҳисобланади.

Бугунги кунда республикада мураккаб технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш ва бошқариш, жумладан, ёқилғи ёқиш технологик жараёнларини ресурс ва энергия тежамкорлик, шунингдек, саноат маҳсулотини юқори сифати мезони бўйича такомиллашган тизимларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «... иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сарфини қисқартириш, ишлаб чиқаришга энергия тежамкор технологияларни кенг жорий этиш, иқтисодиёт тармоқларидаги меҳнат унумдорлигини ошириш»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан, тадқиқ этилаётган жараён ҳақидаги бошланғич ахборотлар тўлиқ бўлмаган шароитларда шиша

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

эритишни мураккаб технологик жараёнларини интеллектуал бошқариш алгоритмларини яратиш ниҳоятда долзарб ва зарур ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2017 йил 27 июндаги ПҚ-3151-сон «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» ва VII. «Кимёвий технология ва нанотехнологиялар» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Интеллектуал тизимлар соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг истиқболли йўналишлари сифатида тан олинган ишланмаларга тааллуқли бўлган, сўнгги йиллардаги илмий-техник адабиётлар таҳлили мазкур диссертация тадқиқотини предметли соҳасида аҳамиятли назарий ва амалий натижаларга эришилганлигидан дарак беради. Диссертация ишида кўриб чиқиладиган илмий-техник йўналиш International Federation of Automatic Control (IFAC), Institute of Electrical and Electronical Engineering (IEEE), Association for Computing Machinery (ACM), шунингдек Россия Фанлар академиясининг Муаммолар институти, Н.Э.Бауман номидаги Москва давлат техника университети, Москва давлат университети, Москва физика-техника институти, Москва муҳандислик-физика институти каби халқаро илмий ташкилотларнинг устувор тадқиқотлари дастурларига киради.

Динамик объектларни бошқаришнинг интеллектуал тизимларини қуришни таҳлил қилиш ва синтезлаш назариясига R.A.Aliyev, R.Bellman, M.Brown, M.M.Gupta, K.M.Hangos, C.J.Harris, Y.-Z.Lu, N.K.Sinda, D.A.White, Lotfi Zadeh, A.A.Жданов, П.М.Макаров, Д.А.Поспелов, К.А.Пупков, Б.Я.Советов, Я.З.Ципкин, Р.М.Юсупов каби хорижлик ва Д.А.Абдуллаев, Ф.Т.Адилов, Б.М.Азимов, Т.Ф.Бекмуратов, Х.З.Игамбердиев, М.А.Исмаилов, В.К.Кабулов, А.А.Кадиров, С.С.Касимов, А.З.Камалов, М.М.Камилов, А.Р.Марахимов, И.Х.Сиддиқов, Т.Д.Раджабов, Ш.Х.Фозилов, Н.Р.Юсупбеков каби мамлакатимиз олимлари ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшишган.

Технологик объектларни бошқаришнинг интеллектуал тизимларини қуриш назарияси ва амалиётининг замонавий ҳолати ва уларни келгуси

ривожланиш тенденциялари ҳамда такомиллашувига бағишланган таҳлилий адабиётлар шарҳи материалларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш шишасозлик саноати ишлаб чиқариш майдонларини назорат қилиш ва бошқаришнинг энг муҳим масалаларини ечиш учун интеллектуал бошқариш тизимларини яратиш ва қўллаш, таниш, оптималлаштиришни зарурий нейро-экспертли усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқишнинг истиқболли эканлигини кўрсатади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари режаларининг ОТ-Ф7-88 – «Тоза маҳсулотлар олишнинг энергия ва ресурс тежамкор иссиқлик-масса алмашиниш жараёнларининг истиқболли мураккаб кимё-технологик тизимларининг назарий асосларини такомиллаштириш» (2017–2020) мавзули лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** саноат ишлаб чиқаришининг газ ёқувчи печларида шиша эритиш технологик жараёнини автоматик назорат қилиш ва бошқаришнинг интеллектуал тизимларини қуриш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

газ ёқувчи печларда шиша эритиш мисолида мураккаб технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни интеллектуал назорат қилиш, таъхислаш ва бошқариш тизимларини қуриш назарияси ва амалиётини замонавий ҳолатини таҳлил қилиш ва уларни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш тенденцияларини аниқлаш;

мураккаб технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни тезкор бошқаришнинг интеллектуал тизимларини умумлашган функционал структураларини ишлаб чиқиш;

мураккаб кирувчи ва чиқувчи лингвистик ўзгарувчиларнинг ўзаро алоқалари ҳамда уларнинг жисмоний аҳамиятини тегишлилик функцияларини асосий ўққа нисбатан жойлашуви, шакли ва қоидалар тизимини ўзгартириш ҳисобига билимларни тўлдириш имконияти билан маҳсулий қоидалар ва тегишлилик функциялари ёрдамида билимларни ярим яширин кўринишда акс эттириш;

маҳсулот турлари асосида шакллантирилган билимлар базаси ёрдамида шиша эритиш печларининг соҳаларидаги ҳароратни; шиша массасининг қовушқоқлигини ўлчаш қурилмасини; тадқиқот объектидаги ортиқча босимни автоматик меъёрлаштириш йўли билан печлардаги босимни ростлаш жараёнини боқаришни; шиша эритиш печидаги сатҳни ўлчаш йўли билан хомашёни юклашни бошқаришнинг интеллектуал бошқариш тизимлари учун дастурий мажмуани ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш;

тадқиқ этилаётган технологик жараёнларни бошқаришнинг интеллектуал тизимларини қуришни ишлаб чиқилган алгоритмлари ва ҳисоблаш схемаларини амалга ошириш.

**Тадқиқотнинг объекти** печларда ёқилғини ёқиш мураккаб технологик жараёнларини интеллектуал назорат қилиш, ташхислаш ва бошқариш тизимларини таҳлил қилиш ва синтезлаш жараёнлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** газ ёқувчи печларда ёқилғини ёқиш мураккаб технологик жараёнларини интеллектуал назорат қилиш, ташхислаш ва бошқариш тизимларини қуриш усуллари, моделлари ва алгоритмларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида тизимли таҳлил усуллари ва илмий қоидалари, замонавий автоматик бошқариш назарияси, интеллектуал бошқаришнинг тамойиллари, усуллари ва алгоритмлари, технологик ўлчашлар ва асбоблар, шиша эритиш печлари ва қурилмаларида ёқилғини ёқишни мураккаб иссиқлик алмашилиш жараёнларини математик моделлаштириш ва оптималлаштириш, шунингдек, ўлчаш натижаларига математик ишлов бериш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

газ ёқувчи печларда шиша эритиш жараёнини иссиқлик баланси тенгламалари асосидаги математик модели ишлаб чиқилган;

газ ёқувчи печларда ёқилғини ёқиш жараёни тежамкорлигини оптимал бошқариш тизими синтезланган;

пропорционал-интеграл-дифференциал ростлагичнинг созиламалари оптимал параметрларини аниқловчи алгоритм ишлаб чиқилган;

шиша массасининг реологик тавсифларини тадқиқ этиш учун дастурий-аппаратли мажмуа ва печни бошқаришнинг интеллектуал автоматлаштирилган тизими ишлаб чиқилган, тадқиқ этилган ва уни ишлашини сошлаш амалга оширилган;

шиша эритиш печлари соҳаларидаги газли муҳит таркибини ростлаш орқали ёқилғини ёниш жараёни самарадорлигини оширувчи усул таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

газ ёқувчи печларда шиша эритиш жараёнини назорат қилиш, ташхислаш ва бошқаришни интеллектуал тизимлари дастурий-техник амалга оширилган;

объектнинг дастурий ҳаракатини бошқаришнинг экспертли осттизими ишлаб чиқилган бўлиб, у маҳсулий турдаги билимларнинг динамик базасини тавсифлайди;

печлардаги босимни ростлаш ва печдаги шиша сатҳини ўлчаш йўли билан хомашёни юклашни бошқариш учун дастурий-алгоритмик мажмуа яратилган;

печлардаги ёқиш жараёнини техник таъминотга мос равишда бошқаришнинг интеллектуал тизими ишлаб чиқилган бўлиб, у ёниш жараёни боришини технологик режимларини барқарорлаш ва самарадорлигини ошириш имконини беради.



**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий исботланган асосларни бажарилиши, интеллектуал бошқаришнинг қатъий ишончли концепцияси ва тамойилларини қўлланилиши, замонавий автоматик бошқариш назариясини синовдан ўтган усуллари ва алгоритмларидан фойдаланиш, назарий ва амалий тадқиқот натижалари ва уларнинг ўзаро мувофиқлиги ва деярли мос келиши билан таъминланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шиша эритиш печлари мисолида мураккаб технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни назорат қилиш ва бошқаришнинг, мураккаб динамик объектларни автоматик бошқариш потенциалини тўла очиш имкониятларини таъминловчи, интеллектуал тизимларини структуравий-параметрик синтезлашнинг конструктив алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборат. Сунъий нейрон тармоғини ўқитишни таклиф этилаётган услубияти тўғри ва тесқари алоқалар таъсирларини ҳисобга олади ҳамда сигнал ўтадиган барча каналлар бўйича синов таъсирларини бир пайтда бериш ҳисобига нейрон тармоқлари шартларига риоя этилишини таъминлайди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, назорат ва бошқаришни интеллектуал тизимини таклиф этилган структураси, динамик объектни фаззи-моделли, назорат ва бошқаришнинг алгоритмлари, услубияти ва техник воситалари шиша эритиш самарадорлигини оширишга кенг имкониятларни очиб беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Газ ёқувчи печларда шиша эритиш технологик жараёнини автоматик назорат қилиш ва бошқаришнинг интеллектуал тизимларини қуриш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш асосида:

газ ёқувчи печларда шиша эритиш жараёнини иссиқлик баланси тенгламалари асосидаги математик модели “Оникс Тошкент” МЧЖ да жорий этилган («Ўзавтосаноат» АЖ нинг 2020 йил 17 ноябрдаги №09/06-25-1650-сон маълумотномаси). Натижада экологик меъёрларга амал қилган ҳолда ёқилғини ёқишда тежамкорлик таъминланган;

газ ёқувчи печларда ёқилғини ёқиш жараёнини оптимал бошқариш тизими “Оникс Тошкент” МЧЖ да жорий этилган («Ўзавтосаноат» АЖ нинг 2020 йил 17 ноябрдаги №09/06-25-1650-сон маълумотномаси). Натижада ярқисиз маҳсулотлар сонини камайтирган ҳолда тайёр маҳсулотни юқори сифати таъминланган;

шиша эритиш печларини бошқаришни интеллектуал автоматлаштирилган тизими учун дастурий-аппаратли мажмуа “Оникс Тошкент” МЧЖ да жорий этилган («Ўзавтосаноат» АЖ нинг 2020 йил 17 ноябрдаги №09/06-25-1650-сон маълумотномаси). Натижада газ ёқиш печларининг самарадорлиги ошган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 1 та республика илмий-техник анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 16 та илмий иш, жумладан, ЎзР ОАК эътироф этган илмий журналларда 6 та мақола, шундан 4 таси хорижда чоп этилган, ЭХМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилинганлиги тўғрисида 6 та гувоҳнома олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Мураккаб технологик жараёнларни интеллектуал бошқариш тизимларини таҳлил қилиш ва синтезлаш назарияси ва амалиётининг замонавий ҳолати ҳамда уларни янада ривожланиш ва такомиллашиш тенденциялари»** деб номланган биринчи бобида шишасозлик саноати масалаларига тегишли бўлган мураккаб технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни назорат қилиш ва бошқаришнинг интеллектуал тизимларини илмий асослари баён қилинган.

Замонавий интеллектуал технологиялар, жумладан, ноаниқ мантиқ, сунъий нейрон тармоқлари (СНТ) ва генетик алгоритм (ГА) лардан интеллектуал бошқариш тизимларини синтезлашда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Зарурий ҳисоблашларни қийинлаштирмасдан, қидириш фазосини кенгайтириш имконини берадиган юқори мураккабликдаги тақсимланган ҳисоблаш схемаларини амалга ошириш имконияти ҳисобига бошқариш жараёнларини сўзлашув тилининг воситалари билан тавсифлаш, кўп сонли махсус вазиятлар ва бир жинсли эмаслик билан тавсифланадиган жараёнларни тавсифлаш ҳамда нозичлиқли объектларни ифодалаш, шунингдек, кучсиз ифодаланган масалаларнинг ечимлари соҳасида тезкор қидирувни амалга ошириш имкониятларини беради. Сунъий интеллект элементларини ўзига бирлаштирувчи тизим билимларга когнитив ишлов бериш, ноаниқлик шароитларида бошқариш қарорларини қабул қилиш ва хулқини режалаштириш, тимсолларни амалга ошириш ва ташқи муҳит моделларини шакллантириш имконини беради. АБТ ларни таркибига киритилган сунъий интеллект элементлари тизимга илгари инсон бажарган интеллектуал вазифаларни бажариш имконини бериб, унинг функционал имкониятларини кенгайтиради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ноаниқлик ва хатарлар шароитларида қарор қабул қилишни тайёрлашга мўлжалланган сунъий интеллект усуллари қўллаб, кучсиз ифодаланган мураккаб технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларнинг юқори самарали АБТ ларини синтезлашга алоқадор ёндашув ниҳоятда истиқболлидир.

«Катта ҳажмда интеллектуалликка ўтиш» хусусиятига эга бўлган тизимларнинг бир ҳолатдан бошқасига ўтиши маълум. Бундай таснифлашга кўра интеллектуал тизимлар ўқиш; ўз-ўзини ташкил этиш; ҳодисаларни олдиндан айтиш; маълумотлар ва билимлар базалари билан ишлаш ва ниҳоят ижро каби поғоналари бўлган кўп поғонали структурага эга бўлиши керак бўлиб, уларда қарор қабул қилишни қўллаб-қувватлаш осттизими функцияси билимлар базасининг маълумотларига ишлов беришнинг амалга оширувчи бошқариш иерархиясини поғоналари билан бирлашади.

Диссертациянинг «Газ ёқувчи печларда ёқилғини ёниш жараёнини моделлаштириш» деб номланган иккинчи бобида технологик қурилма – газ ёқувчи печда табиий газни ёқишни тадқиқ қилинаётган усули акс эттирилган; печда ёқишгача бўлган вақтда горелкаларни ўт олдириш, хусусан печь ўтхонаси горелкаларини ўт олдириш; печга хомашё ресурсларини юклаш, шунингдек, бутун технологик қурилмани ишга тушириш тавсифланган.

Ишда ўтхона-қиздиргичнинг ички қисмидаги ёниш жараёнининг аэродинамикаси ўрганилган ва ўтхона камерасига оқимни силжиш қонуниятлари ифодаланган. Ёқилғи заррачаларини ёнишини ҳисоблашларда заррачаларни газ оқимига нисбатан ҳаракатланиш қобилияти эътиборга олинган, чунки бунда заррачалар ва муҳит ўртасида иссиқлик алмашинуви кучаяди ва тўла ёниш жараёнига сезиларли таъсир кўрсатади.

Газ ёқувчи печларда ёқилғини ёниш жараёнининг математик моделларини келтириб чиқаришда атроф-муҳитга газ чиқиши ва иссиқликни йўқотилиши йўқ деб, моддий ва иссиқлик баланс тенгламалари тузилди ҳамда газларнинг ёнишини аналитик олинган стехиометрик тенгламаларидан фойдаланиб, технологик шароитларда ёқилғи – табиий газни ёниш жараёнини, оксидловчилар сарфи ва тўла ёниш маҳсулотлари миқдорини технологик ҳисоблари амалга оширилган. Ишда газ ёқувчи печларда табиий газни тежаш усуллари таҳлил қилинган. Ёниш вақтида ёнувчи маҳсулотларнинг ҳарорати ёқилғининг потенциал энергияси билан белгиланадиган ёниш ҳароратигача кўтарилади. Барча ҳолларда иссиқлик балансига риоя этилганлиги сабабли ёниш ҳароратини ҳисоблаш учун ёнаётган маҳсулот, шунингдек, ёқилғи ёки ҳавонинг энтальпиясидан фойдаланиш мумкин. Маълум миқдордаги  $F_T$  ёқилғининг  $\Delta H$  ёниш иссиқлиги билан ёнишида ажралиб чиқадиган иссиқлик миқдори қуйидагига тенг:

$$Q = F_T (\Delta H)_{CH_4} \quad (1)$$

Метанни ёниши,  $H_2O$  ва газсимон карбонат кислотасини ҳосил бўлишини маълум стандартдаги иссиқликлари орқали бир киломоль метанни стандарт ёниш иссиқлиги  $(\Delta H)_{CH_4}$  ни топамиз.

Гесс қонунига кўра кимёвий реакциянинг иссиқлик самараси реакция бевосита ёки бирор оралик босқич орқали боришига боғлиқ эмас ва у ўзида реакция ва бошланғич моддаларнинг иссиқлик самаралари ўртасидаги фарқни намоён этади. Ёниш маҳсулотлари ҳажмини тенгламаси қуйидагича:

$$V_0 = V_{CO_2} + V_{H_2O} + V'_{N_2} + V'_{O_2}, \quad (2)$$

бу ерда  $V_{CO_2}$  ва  $V_{H_2O}$  – мос равишда ҳавонинг назарий миқдорида ёнишда ҳосил бўлган оксидланган газ ва сув буғлари ҳамжи,  $m^3$ ;  $V'_{N_2}$  ва  $V'_{O_2}$  – ҳавонинг ортиқчалик коэффициентини ҳисобга олган ҳолда ёниш маҳсулотларидаги азот ва кислороднинг ҳажмлари,  $m^3$ .

(2) тенглама ҳавонинг назарий зарур миқдори билан ёқилғини ёниш шarti учун ўринлидир. Саноат ўтхоналари ва печлар одатда ортиқча ҳаво билан ишлайди. Маълумки, ҳаво ортиқча бўлганда ёнишнинг мумкин бўлган максимал ҳароратига эришиб бўлмайди.

(2) тенгламанинг хусусий ҳосилаларини олиб, ҳарорат  $T$  га таъсир этувчи қатор параметрларнинг таъсир коэффициентларини баҳолаш ва қуйидаги кўринишдаги тенгламани олиш мумкин:

$$T = f((\Delta H)_{CH_4}, C_1, T_1, F_1, F_2, C_2, T_2), \quad (3)$$

ёки

$$T = K_1 * (\Delta H)_{CH_4} + K_2 * F_1 + K_3 * F_2 + K_4 * C_1 + K_5 * C_2 + K_6 * T_1 + K_7 * T_2, \quad (4)$$

Ўтхонадаги ҳароратга ёқилғи ва ҳаво бериш каналлари кучли таъсир кўрсатади. Тажрибалар шуни кўрсатди-ки, ёниш ҳарорати ҳаво ортиқча бўлганда ҳам етишмаганда ҳам тушиб кетади, шунинг учун ҳам таъсир коэффициенти юқори бўлишига қарамасдан, ҳаво бериш каналини бошқариш канали сифатида танлаб бўлмайди. (3) тенгламадан ҳарорат  $T$  кўплаб омилларга боғлиқлиги келиб чиқади. Чунки у ёқилғини ёниш иссиқлигига мутаносиб, ёқилғи ва ҳаво сарфлари, шунингдек уларнинг солиштирма иссиқлик сиғимларига нозиклиги боғланган.

Ишда газ ёқувчи печлардаги ёниш жараёнларини назорат қилиш ва бошқариш тизимларининг назарияси ва амалиётини замонавий ҳолати таҳлил қилинган; назорат ва бошқариш тизимларини такомиллаштириш йўллари аниқланган ва уларни қуришни истиқболли эканлиги кўрсатилган. Газ ёқувчи печларда ўт олиш, ёниш ва “ҳаво – ёқилғи гази – чиқинди газ” стехиометрик узатилиш жараёнлари ўрганилган, ўтхона-қиздиргичнинг ишлаши таҳлил қилинган ва қурилманинг аэродинамикаси ўрганилган. Газ ёқувчи печларнинг газ горелкалари ишлашини математик моделлаштириш амалга оширилган. Математик тавсифларни таҳлил қилиш асосида газ ёқувчи печларни интеллектуал бошқариш тизимини архитектураси таклиф этилган ва шиша эритувчи печнинг нейрон тармоқли моделини ўқитишни тўғри ва тесқари алоқаларнинг таъсирини ҳисобга олувчи услубияти

асосланган. Хатолиги тескари тарқалувчи ўқитишли икки қатламли интеллектуал нейрон тармоғини танлаш асосланган.

Диссертациянинг «Газсимон ёқилғини мавжудлиги ва ёниш сифатини назорат қилиш усуллари ишлаб чиқиш» номли учинчи бобида аланганинг ионизацион тавсифларини назорат қилиш усуллари тажрибавий тадқиқ этиш натижалари келтирилган. Тадқиқотлар газ-ҳаволи аланганинг турли соҳаларида ўрнатилган юқори ҳароратли ўлчаш электродлари ёрдамида “электрод – аланга – горелка” ва “электрод – аланга – электрод” ўтишларининг ионизацион тоқларини ўлчаш қурилмаларидан фойдаланиб, унумдорлиги 100 м<sup>3</sup>/соатгача бўлган газ горелкаларида ўтказилган. Ёниш соҳасининг ўтказувчанлиги ( $p$ ), тўғрилаш коэффициенти ва ҳарорати ўзининг максимумига, ёқилғи аралашмасидаги компонентларни минимал ортиқча оксидловчилар билан тўла ёнишини таъминловчи, ёниш коэффициенти ( $\alpha$ )да эришиши аниқланган. Шунинг учун ҳам мазкур коэффицент оптимал ( $\alpha_{opt}$ ) деб номланиши мумкин. Горелкаларнинг унумдорлигини ошиши ёниш соҳасида ўтказувчанликни ошишига ҳамда ( $p$ ) ўлчаш сигналининг статик тавсифи экстремумини « $\alpha - p$ » координата тизимида абсцисса ўқи бўйлаб  $\alpha_{opt}$  мутлақ қийматга ошишига олиб келиши аниқланган.

1-жадвалда икки йўлли турбулент горелкани тадқиқ этиш натижалари келтирилган бўлиб, унда  $I_e$  – аланга унумдорлигини пульсланиш жадаллиги кўрсаткичи ва у ёниш соҳасининг ўтказувчанлик пульсларини ( $i$ ) спектридаги ( $A_1$ ) амплитудани мос ( $f_i$ ) частотага кўпайтмалари йиғиндиси орқали ифодаланади:

$$I_e = \sum_{i=1}^n A_1 f_i. \quad (5)$$

$I_B$  нинг параметрлар билан ўзаро боғлиқлиги параметрларнинг функционал боғлиқлиги каби келтирилиши мумкин:

$$I_e = \varphi(W''; p''; t_x; W'; p'; t_2; Q_n^p; S_{ac}; m_{KT}), \quad (6)$$

бу ерда  $W''$ ,  $W'$  – ёниш соҳасидаги компонентларнинг сарфлари;  $p'$ ,  $p''$  – компонентларнинг горелкадан олдинги босимлари;  $t_2, t_x$  – газ ва ҳавонинг ҳароратлари;  $S_{ac}$  – аралашмани тайёрланиш сифати кўрсаткичи;  $m_{KT}$  – ёниш маҳсулотларининг кимёвий таркиби.

1-жадвал

Ёниш соҳаси параметрларининг газ горелкасининг унумдорлиги ва аэрация коэффициентига боғлиқлиги

т/р	$W''$ , м <sup>3</sup> /соат	$\alpha$	$f_1$ Гц.	$A_1$ в.	$f_2$ Гц.	$A_2$ в.	$f_3$ Гц.	$A_3$ в.	$f_4$ Гц.	$A_4$ в.	$I_e \mu A$	$t^\circ C$
1	13	1,00	-	-	-	-	-	-	-	-	0	1192
2	13	1,04	8,3	1	200	0,15	-	-	-	-	38	1202
3	13	1,25	8,3	0,5	48	0,8	143	0,3	-	-	81	1241
4	13	1,19	11	0,6	50	0,5	100	0,3	-	-	61	1216
5	13	1,42	50	0,3	143	0,2	-	-	-	-	4	1116
6	21	0,85	-	-	-	-	-	-	-	-	0	1203

7	21	0,96	21	1,1	8	1,0	90	0,3	-	-	58	1221
8	21	1,04	8,3	0,5	77	0,6	142	0,1	-	-	64	1228
9	21	1,10	12	1,0	25	1,0	200	0,3	-	-	98	1237
10	21	1,25	10	1,1	40	1,1	167	0,3	-	-	112	1247
11	21	1,28	8,0	0,8	31	1,2	140	0,8	330	0,07	180	1257
12	21	1,46	7,0	1,2	33	0,7	200	0,1	-	-	51	1132
13	28	0,96	50	0,2	143	0,1	-	-	-	-	39	1217
14	28	1,20	5	0,8	25	0,6	100	0,2	250	0,1	64	1262
15	28	1,28	8,4	1,0	33	1,0	167	0,8	250	0,15	212	1287
16	28	1,41	20	0,6	50	0,6	330	0,1	-	-	75	1141
17	28	1,43	28	0,45	78	0,5	467	0,02	-	-	61	1120


( $\alpha - I_e$ ) координаталар тизимида ёниш соҳасини амплитуда-частотавий тавсифлари экстремумини ўлчаш электродини ёниш соҳасидаги ҳолатига боғлиқлигини тадқиқи (электродни аланганинг ўзагидан бошлаб, унинг ўқи бўйлаб силжитишда) электродни алангага киритиш  $\alpha_{opt}$  да экстремумни сақлаган ҳолда  $I_e$  чиқиш параметрини ўсишга, электродни аланга ўқидан радиус бўйлаб ён томонга силжитганда эса  $I_e$  ни камайтиришга олиб келишини кўрсатди. Ўлчаш электроди аланганинг ўқи бўйлаб жойлашадиган максимал ионланишида параметрнинг максимал қиймати ва унинг минимал флуктуациясига эришилиши аниқланган.

Диссертациянинг «Газ ёқувчи печларда ёқилғини ёниш жараёнини интеллектуал бошқариш» номли тўртинчи бобида печларда шиша маҳсулотларини ишлаб чиқишни бошқариш имконини берадиган, ишда илгари сурилган усулни моҳияти баён қилинган ва печлардаги ҳарорат режимларини ноаниқ бошқаришнинг ўзига хосликлари очиб берилган. Печга хомашёни юклашни бошқариш усулини моҳияти шихта ҳароратини ўлчаш ва уни дастлабки сақлаш вақтидан иборат. Ҳарорат пасайган ва сақлаш муддати ошганда печга юкланадиган шихта ва майдаланган шиша нисбатини тўғрилаш майдаланган шиша миқдорини ошириш йўли билан амалга оширилади. Печдаги шихта ва майдаланган шиша сарфини ўлчаб, шунингдек чиқиб кетаётган иссиқликдан самарали фойдаланишда шихта ва майдаланган шиша сарфлари нисбатларини берган ҳолда, печдаги шиша массасидан келиб чиқиб, печга бериладиган хомашё миқдорини ростлаш таклиф этилган. Таклиф этилган усулда ҳарорат пасайганда шихта сифатини тушишини назорат қилиш ва башоратлаш назарда тутилган. Шунингдек, майдаланган шиша сифати пасайишини башоратлашда дастурланадиган мантиқий контроллерда “шихта – майдаланган шиша” сарфлари нисбати шаклидаги топшириқни тўғрилаш ҳам назарда тутилган. Шихтанинг ҳарорати пасайганда майдаланган шиша сарфини контроллердан вибрацион дозаторга сигнал бериш орқали сарфлар нисбатини янги қиймати ўрнатилгунга қадар ошириш ёки шихта бункеридаги рекуператорга иссиқ ҳаво берилишини камайтириш назарда тутилган. Шихтанинг ҳарорати ошганда юқоридагидек майдаланган шиша сарфи ва иссиқ ҳаво бериш камайтирилади. Шундай қилиб, таклиф

этилаётган усулни амалга ошириш шихта ва майдаланган шиша ҳароратлари, намлиги ва компонентлар бўйича таркибини ҳисобга олган ҳолда шихтанинг сифатини башоратлаш ҳамда шу асосида печга хомашё берилишига тузатма киритиш имконини беради. Рекуператорли схемадан фойдаланиш тутун газлари иссиқлигидан самарали фойдаланиш ҳамда майдаланган шиша намлигини камайтириш ҳамда тайёр шихта ва майдаланган шишани қиздириш ҳисобига ёқилғи сарфини ўзгартирмасдан жараённинг иссиқлик исрофини анча камайтириш имконини беради.

Диссертация ишида газ ёқувчи печлардаги ҳарорат режимларини ноаниқ бошқаришнинг ўзига хосликлари кўриб чиқилган. Газ ёқувчи печларда ёқилғини ёниш жараёнини бошқариш тизимини структуравий-параметрик синтезлаш амалга оширилган бўлиб, асосий структураси 1-расмда келтирилган.

Бошқарилувчи жараённинг жорий чиқиши  $y(t)$  тескари алоқа чизиғи бўйлаб, аниқ сигнал шаклида тизимнинг киришига келиб тушади ва у ердаги  $\Delta$  элементда  $g(t)$  аниқ топшириқ билан солиштирилади. Хатолик  $e(t)$ , агар талаб этилса, унинг  $e(t)$ ,  $e'(t)$ , ..., ҳосилалари, хатоликни интегралли ( $\sum e_i(t)$ ) аниқ сигналлар кўринишида контроллернинг киришига берилади. Ноаниқ ростлагич ўз таркибига  $e(t)$ ,  $e'(t)$ ,  $\sum e_i(t)$  ва бошқа аниқ сигналларни  $e'(t)$ ,  $e''(t)$ ,  $\sum e_i'(t)$  ва бошқа ноаниқ сигналларга ўзгартиришга хизмат қилувчи фаззификаторни олади.




**1-расм.** Шиша эритиш печларидаги ёниш жараёнини ноаниқ бошқариш тизимининг асосий структураси.

Хулосалаш механизми мазкур ноаниқ сигналларни қабул қилгач, бу сигналларни тавсифловчи ноаниқ тўпламларнинг тегишлилик функциялари сақланувчи маълумотлар базаси ҳамда ростлашнинг ноаниқ қоидалари сақланадиган билимлар базасидан фойдаланиб, контроллернинг  $u^*(t)$  ноаниқ чиқиш сигналинини олиш бўйича мантиқий хулосани амалга оширади. Бошқарилувчи жараённинг киришига ижро механизмининг ростлаш органи орқали  $u$  аниқ бошқариш сигнали тушиши зарурлиги

сабабли дефаззификатор  $u^*$  ноаниқ бошқариш сигналини  $u(t)$  аниқ бошқариш сигнаliga ўзгартиради.

Шунингдек, ишда шиша эритиш печининг ишлашини бошқарадиган, 2-расмда тасвирланган интеллектуал тизим ҳам таклиф этилган.



2-расм. Шиша эритиш печини бошқаришнинг интеллектуал тизими.

Шиша эритиш печига ўрнатилган ўлчов воситаларидан келаётган  $X = (X_1, X_2, X_3, X_4)$  ва  $Y = (Y_1, Y_2, Y_3, Y_4, Y_1)$  сигналлар мантиқий блокда талаб этилган қиймат билан солиштириштирилиб, нисбатан фарқи катта бўлган сигналлар контурининг ростлагичи созлаш параметрларини қайта башоратлаш тўғрисида қарор қабул қилинади ва башоратлаш блокида бошқариш таъсирларини ҳисобга олган ҳолда ростлагич параметрларнинг оптимал қийматлари башоратланади ва бошқариш блокининг созлаш параметрларини ушбу ўзгаришга мослаштиради. Бу ерда  $r$  топшириқ, ишлаб чиқилган ва жорий этилган алгоритмлар, шунингдек башоратловчи моделларнинг параметрлари асосида ноаниқ ростлагич  $U=(u_1, u_2, u_3, u_4)$  бошқариш таъсирларини шакллантиради ва уларни мос ижро механизмларига беради.



Тадқиқот объекти ҳароратларни ростлаш соҳаларига ажратилган бўлиб, ҳар бир алоҳида соҳа печнинг юқори қисми ва тубига ўрнатилган термопаралар билан қайд этиладиган ўзининг хусусий ҳарорат диапазони билан тавсифланади. Диапазонларни аниқлаш учун термлар сони берилган ва ҳар бир терм учун сон ўқидаги кесмалар узунлиги аниқланган. Ҳароратни сифатли бошқариш учун ҳар диапазонни тўққизта термга ажратиш лозим, чунки кесманинг узунлиги термга киритилган ҳароратни номинал қийматга яқинлигига бевосита боғлиқ бўлиб, созлаш ҳам шунчалик аниқ бўлади.

Таклиф этилган ноаниқ ростлагични амалга ошириш учун буль алгебраси асосида FBD тилида дастур ишлаб чиқилган бўлиб, ўз ичига босимнинг олтига фаззификация блокини; ҳар бир соҳа учун ҳарорат ва босимларни ўзгартиришни ноаниқ мантиқий хулосалаш қодаларини амалга оширувчи олтига блокини; бошқариш сигналларини марказий хулосалаш блокнинг ҳароратларини ростлашда ҳар бир соҳанинг вазн коэффициентларини аниқловчи блокларни олади.

Ишда аниқ ва ноаниқ ростлагичли бошқариш тизимларининг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган ҳамда ростлагичлар созланмаларини ростлашнинг талаб этилган сифати ва экологик меъёрларга амал қилган ҳолда ёқилғини ёқишни тежамкорлигини таъминловчи оптимал параметрлари аниқланган. Ҳатто анъанавий ростлагич билан қўйилган мақсадга эришилганда ҳам ноаниқ ростлагичли объект чиқиши кичик қайта ростлаш ва ўтиш жараёни вақтига эга бўлиши аниқланган. Чиқиш катталиги (95–105) % диапазонли чегарага етгандаги вақт каби аниқланадиган ростлаш вақти мазкур чегаралардан чиқмайди. Аниқ ростлагич билан ростлаш вақти 51,2 секундни, ноаниқ ростлагич билан эса 41,8 секундни ташкил этди. Шундай қилиб, ноаниқ ростлагич 9,4 минутга кам бўлган ўтиш жараёни вақтига эга.

Статик хатолик бўлмаганда ростлаш каналидаги ноаниқ мантиқли контроллер минимал вақт билан ғалаён таъсирига ишлов беришни таъминлаши лозимлиги учун ростлагичнинг фаолият кўрсатиш алгоритми сифатида, талаб этилган сифат кўрсаткичларини таъминловчи ва кам алгоритмик мураккабликка эга бўлган, Сугено алгоритмини танлаш мақсадга мувофиқдир. Ноаниқ мантиқли контроллер, ёқилғи сарфини АРТ дан умумий ҳаво сарфини ростлаш тизимига бериладиган топшириқ сигналини илгарилаб назорат қилади.

Ноаниқ мантиқли контроллер тўртта кириш (ҳар бир ростлаш канали учун иккита) ва ҳар бири хусусий бошқариш канали бўлган иккита чиқишга эга. Бунда ростлагичнинг иккита мос киришига ростланаётган катталикни топшириқ қийматдан оғиш сигналлари, иккита бошқа киришларига эса оғишни интегралланган сигналлари берилади.

Кириш лингвистик ўзгарувчиларининг тегишлилик функцияларини кўриниши Гауссни тақсимланиш функциялари кўринишида қабул қилинган бўлиб, лингвистик ўзгарувчиларни янада силлиқроқ ўзгаришларини таъминлайди. Тизим ўтиш тавсифларининг кўринишига махсус талаблар

қўймаганлигини эътиборга олган ҳолда, ноаниқ мантиқли контроллернинг билимлар базасини алгоритмик мураккаблигини камайтириш учун кириш лингвистик ўзгарувчиларининг асосий терм-тўпламлари олтинчи даражада чегарланган. Кириш лингвистик ўзгарувчиларини терм-тўпламларини шкалалаш ўтказилган.  $T$  лингвистик ўзгарувчиларнинг терм-тўплами  $T = \{\text{МанКат}, \text{МанЎр}, \text{МанКич}, \text{МусКич}, \text{МусЎр}, \text{МусКат}\}$  терм номига эга бўлиб, мос равишда «манфий катта», «манфий ўртача», «манфий кичик», «мусбат кичик», «мусбат ўртача», «мусбат катта» ни англатади.

Ноаниқ қоидалар базаси:

- АГАР оғиш  $O_2$  *МанКат* бўлса, УНДА бошқариш  $mf1$   $O_2$  бўлади;
- АГАР оғиш  $O_2$  *МанЎр* бўлса, УНДА бошқариш  $mf2$   $O_2$  бўлади;
- АГАР оғиш  $O_2$  *МанКич* бўлса, УНДА бошқариш  $mf3$   $O_2$  бўлади;
- АГАР оғиш  $O_2$  *МанКич* бўлса, УНДА бошқариш  $mf3$   $O_2$  бўлади;
- АГАР оғиш  $O_2$  *МусЎр* бўлса, УНДА бошқариш  $mf2$   $O_2$  бўлади;
- АГАР оғиш  $O_2$  *МусКат* бўлса, УНДА бошқариш  $mf1$   $O_2$  бўлади;
- АГАР оғиш  $P_m$  *МанКат* бўлса, УНДА бошқариш  $mf1$   $P_m$  бўлади;
- АГАР оғиш  $P_m$  *МанЎр* бўлса, УНДА бошқариш  $mf2$   $P_m$  бўлади;
- АГАР оғиш  $P_m$  *МанКич* бўлса, УНДА бошқариш  $mf3$   $P_m$  бўлади;
- АГАР оғиш  $P_m$  *МусКич* бўлса, УНДА бошқариш  $mf3$   $P_m$  бўлади;
- АГАР оғиш  $P_m$  *МусЎр* бўлса, УНДА бошқариш  $mf2$   $P_m$  бўлади;
- АГАР оғиш  $P_m$  *МусКат* бўлса, УНДА бошқариш  $mf1$   $P_m$  бўлади.


Печни автоматик бошқариш объекти сифатида қараб, унинг газли горелкалари ва ёниш соҳалари статик ва динамик тавсифларини тадқиқ этиш натижасида, унинг инерцион ва инерциясиз қисмларини математик тавсифлари олинган.

Нисбатларни автоматик ростлаш тизимларини амалга ошириш учун аэрациянинг оптимал коэффициентини ростлашни таъминлаш ва газ ёқувчи қурилмаларни хавфсиз ишлатиш учун лозим бўлган амаллар циклини амалга ошириш учун экстремал ростлагич ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, қуйидаги тизимларнинг тажриба-ишлаб чиқариш синовлари амалга оширилган: газ ёқувчи печларни комплекс автоматлаштириш учун ёниш хавфсизлигини автоматик тизими; “ёқилғи-ҳаво” нисбатларини ва газ ёқувчи қурилмаларининг ёниш соҳалари ўтказувчанлигини амплитуда-частотавий сигнали интегралли бўйича автоматик ростлаш тизимлари; кичик ва ўрта унумдорликдаги уч йўлли горелкаларда табиий газни икки босқичли ёқилишидаги ёниш жараёнлари автоматик ростлаш тизимлари.

Газ ёқувчи печларда ёқилғи ёнишини интеллектуал бошқариш тизими ишлаб чиқилган бўлиб, у автоматик режимда технологик жараён ва жиҳозлар ҳолати (бошқариш режими, арматуралар ҳолати ва бошқалар) ҳақидаги ахборотларни акс эттиришни ахборот-ҳисоблаш ва бошқариш функциялари тўпламини амалга ошириш, технологик жараёндаги бузилишлар ҳақида сигналлаш, газ горелкаларини ўт олдириш ва ўчириш бўйича технологик амалларни дастурий - мантиқий бошқариш, автоматик ҳимоя ва блокировкалаш, шунингдек функционал клавиатуралар ёрдамида

бошқариш шчитидаги автоматлаштирилган иш ўрни (АИЎ) орқали ижро механизмларини масофадан бошқаришни бажаради.

Тажриба-ишлаб чиқариш синовларида олинган натижалар 3-расмда келтирилган. Расмдан кўриниб турибди-ки, ноаниқ ростлагичли бошқариш объекти анча сифатли ўтиш жараёнига эга.



**3-расм.** Шиша эритиш печидаги босимни (а) ва ҳароратни (б) аниқ (классик) ва ноаниқ (интеллектуал) ростлагичлар билан ростлашнинг ўтиш жараёнлари.

Диссертация ишида олинган натижалар тадқиқот натижаларининг ишончлилигини тасдиқлади ҳамда кичик ва ўрта унумдорликдаги газ горелкалари билан таъминланган ёқилғи агрегатларида улардан фойдаланишда ўзининг самарадорлигини кўрсатди.

## ХУЛОСА

«Печларда интеллектуал бошқариш тизими» мавзусида олиб борилган тадқиқотлар асосида куйидаги илмий натижалар олинган:

1. Шишасозлик саноатининг газ ёқувчи печларини бошқаришни интеллектуал тизимларини структуравий-параметрик таҳлил қилиш ва синтезлашни назарияси ва амалиётини замонавий ҳолати танқидий таҳлил қилинган ва унинг янада ривожланиш ва такомиллашув тенденциялари аниқланган.

2. Газ ёқувчи печлардаги шиша эритиш жараёнининг математик модели ишлаб чиқилган. Модель газ ёқувчи печлардаги ўт олдириш, ёниш ва “ҳаво – ёқилғи газини стехиометрик берилишини ўрганиш имконини беради.

3. Газ ёқувчи печларни интеллектуал бошқариш тизимини архитектураси таклиф этилган ва шиша эритувчи печнинг нейрон тармоқли моделини ўқитишни тўғри ва тескари алоқаларнинг таъсирини ҳисобга олувчи услубияти асосланган. Хатолиги тескари тарқалувчи ўқитишли икки қатламли интеллектуал нейрон тармоғини танлаш асосланган. Натижада шиша эритиш печи жараёнини бошқаришда нейрон тармоқли

моделлаштиришдан фойдаланиш самарадорлигини ошганлиги исботланган.

4. Алангани ўтказувчанлиги ва интеграл ўтказувчанлигининг пульсланишини умумий интегралли амплитуда-частотавий экстремуми бўйича ёнишнинг оптимал коэффициентини назорат қилиш усули ишлаб чиқилган бўлиб, газ-горелкали қурилмаларнинг сифатли тавсифларини назорат қилишни таъминлаш ҳамда ёқилғи аралашмалари компонентлари нисбатларини  $\pm 0,01\alpha_{opt}$  гача аниқлик билан назорат қилиш имконини беради.

5. Шиша эритиш печларида шиша маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнини бошқаришни такомиллаштирилган усули ишлаб чиқилган бўлиб, печларда газни ёниш жараёнини сифатли назорат қилиш таъминланади. Натижада, ростлашнинг талаб этилган сифати таъминланган.

6. Шиша эритиш печларини бошқаришнинг юқори сифат кўрсаткичларини таъминловчи интеллектуал тизимини структуравий-параметрик синтезлаш амалга оширилган.

7. ПИД-ростлагичларни созлашнинг оптимал параметрларини ҳисобловчи алгоритм ишлаб чиқилган. Натижада, динамик режимда ПИД-ростлагични оптимал параметрларини ҳисоблаш аниқлиги ошган.

8. Шиша массасини реологик хоссаларини тадқиқ этиш учун автоматлаштирилган интеллектуал тизимнинг дастурий-аппаратли мажмуаси ишлаб чиқилган, шунингдек, печ иши тадқиқ этилган ва созлаш амалга оширилган. Натижада, тайёр маҳсулотнинг юқори сифати таъминланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.03.02 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**ХОЛМАНОВ УТКИР УКТАМ УГЛИ**

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНАЯ СИСТЕМА УПРАВЛЕНИЯ В ПЕЧАХ**

05.01.08 – «Автоматизация и управление технологическими процессами и  
производствами» (технические науки)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2020**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2018.2.PhD/T711.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.  
Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице ([www.tdtu.uz](http://www.tdtu.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** Юсупбеков Надирбек Рустамбекович  
доктор технических наук, профессор, академик

**Официальные оппоненты:** Марахимов Авазжон Рахимович  
доктор технических наук, профессор  
Абдурахмонов Олим Рустамович  
доктор технических наук, профессор


**Ведущая организация:** Навоийский государственный горный институт


Защита диссертации состоится «9» 12 2020 года в 12<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.03.02 при Ташкентском государственном техническом университете. (Адрес: 100095, г.Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: [tstu\\_info@tdtu.uz](mailto:tstu_info@tdtu.uz).)


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрировано №178). (Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: 246-03-41.)

Автореферат диссертации разослан «27» 11 2020 года.  
(реестр протокола рассылки №29 от «19» 11 2020 года)



  
**Ф.Т.Адылов**  
заместитель председателя Научного совета  
по присуждению учёных степеней,  
доктор технических наук, профессор

  
**У.Ф.Мамиров**  
Ученый секретарь Научного совета  
по присуждению учёных степеней,  
доктор философии (PhD) по техническим наукам

  
**Х.З.Игамбердиев**  
Председатель Научного семинара  
при Научном совете по присуждению учёных степеней,  
доктор технических наук, профессор, академик

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире эффективность управления процессом сжигания топлива в печах, определяемая обеспечиваемым автоматическим поддержанием рационального сочетания между подачей расходного сырья и энергоресурсов, регламентированная среднесменной производительностью технологического комплекса или установки и требуемым качеством конечной продукции, оказывает существенное влияние на технико-экономические показатели производства. В этих условиях пристальное внимание уделяется индустриальной автоматизации, в том числе и управлению энерго- и ресурсоемкими технологическими приемами горения топлива в газосжигающих печах с минимальными затратами ресурсов и энергии при обеспечении высокого качества конечной продукции стекловаренного производства.

В мире уровень развития существующего до настоящего времени технического, алгоритмического, математического и информационного обеспечения автоматизированных систем управления технологическими процессами стекловаренного производства предоставляет ограниченные возможности для реализации высокоэффективных систем управления сложными технологическими процессами, которые учитывали бы в реальном масштабе времени все основные и доступные для измерения технологические параметры. В этой связи злободневными и важными задачами являются усовершенствование методов и алгоритмов управления процессами сжигания топлива в стекловаренных печах и повышение безаварийности и технико-экономических показателей варки стекла за счет перспективных принципов построения интеллектуализированных систем управления процессами сжигания топлива в стекловаренных печах с учетом трудной формализуемости возмущений, многофакторности и существенной неполноты и неопределенности исходной информации о протекании исследуемых технологических процессов горения топлива.

В настоящее время в республике значительное внимание уделяется автоматизации и управлению сложными технологическими процессами и производствами, в том числе созданию систем усовершенствованного (или продвинутого) управления технологическими процессами горения топлива по критериям ресурсо- и энергосбережения, а также обеспечения высокого качества промышленной продукции. В Стратегии по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы обозначены задачи «... сокращения энергоемкости и ресурсоемкости экономики, широкого внедрения в производство энергосберегающих технологий, повышения производительности труда в отраслях экономики»<sup>1</sup>. В этом плане создание алгоритмов интеллектуального управления сложными технологическими

---

<sup>1</sup>Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» УП-4947 от 7 февраля 2017 года

процессами варки стекла в условиях существенной неполноты исходной информации о протекании исследуемого процесса, способствующих повышению точности, быстродействия и качественных показателей конечной продукции, является весьма актуальной и востребованной.

Реферируемое диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и Постановлениями №ПП-3151 от 27 июля 2017 года «О мерах по дальнейшему расширению участия отраслей и сфер экономики в повышении качества подготовки специалистов с высшим образованием» и № ПП-3682 от 27 апреля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и проектов», а также другим к нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики IV «Информатизация и развитие информационно-коммуникационных технологий» и VII «Химические технологии и нанотехнологии».

